

...Такаллум аҳли хирманининг хўшачини ва сўз дурри самини махзанининг амини..., яъни Алишер алмутахаллис бин-Навоий.

Навоий. «Муҳокамат-ул луғатайн».

...Мажлис аҳли маст бўлиб тарқаштилар.

Бобур. «Бобурнома»

Шош аҳли баҳодир бўлса-да асли
Бировлар шаҳрига бўлмаган қасди.

М.Шайхзода. «Тошкентнома».

Аҳли ишқ ҳам боққай албат
Ўз замонин зайлига.

Эркин Воҳидов.

XV-XIX асрларга оид асарларда аҳл сўзи одатда -лар қўшимчасисиз ишлатилади. Бироқ кейинги пайтларда нутқ таъсири ҳамда бошқа қатор сабабларги кўра бу сўзни -лар қўшимчаси билан бирга *хўжалик аҳллари*, *китобхонлар аҳли* тарзида ишлатиш ҳам вужудга келган.

Бундай қўлланишлар одат тусига кириб, кенг тарқалган тил намуналари таъсирида шаклланган. Бунга аҳл сўзи маъносининг осонликча уқилмаслиги ҳам сабаб бўлган.

Юқоридаги баён этилган фикрлардан қуйидагича хулосалар чиқариш мумкин:

«Аҳл» сўзи ҳозирги замон ўзбек тили луғат составидаги пассив сўзлардан бири бўлиб, кўпроқ бадий услубга хосдир, у стилистик жиҳатдан ифодага кўтаринкилик бағишлайди ҳамда четдан сўз олишда юз берадиган баъзи қонуний ўзгаришлар туфайли лексик-семантик, грамматик, стилистик жиҳатдан араб тилига нисбатан қатор ўзгачалик касб этган: семантик томондан маъно ва қўлланиш доираси торайиб, маълум тонфа ёки жойга мансуб бўлган шахслар жамлигини ифодаловчи воситага айланган.

Шунингдек, ўзбек тилида, айниқса, унинг ҳозирги тараққиёт босқичида лексик бирлик сифатида мустақил ишлатилмайди. У доим от туркумига мансуб сўз билан бирга постпозитив ёки препозитив ҳолатда қўлланади. Препозитив ҳолат кўпроқ поэтик услубга хос бўлиб, қолип бошқа тилники эканлиги кўзга ташланиб туради. Препозитив жойлашув араб ва форс тилларига хосдир.

унинг -лар аффикси билан қўлланиши жонли тил таъсирида юз берган.

АДАБИЁТЛАР

[1]. Узбекско-русский словарь. М. 1959. С.48-49.; [2]. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I том. М.: 1981. 69-б.; [3]. Баранов Х.И. Арабско-русский словарь. М.: 1985. С.48.; [4]. Меновщиков Г.А. Способы выражения единственности и множественности в языках различного типа. ВЯ, 1970. №1., С.83.

Умумий тилшунослик ва ҳориж
адабиёти кафедраси.

Қабул қилинди:
18.12.2004

УДК: 809.1.

ҚИТЪАЛАРНИ ҚАМРАГАН ОВОЗ

Т.Абдукаримов

Зулфия ўзининг бутун жўшқин ижодини инсоннинг шодлигига шодлик, бахтига бахт қўшиш, қайғусига, изтиробларига шерик бўлишга бахш этди. Барча эзгуликларни, тинчлик, гўзалик ва адолатни ардоқлади. Бунинг учун «Қалбимдаги ўт кор қилмаса, сочим ёқиб, учқун сочаман», деган эди шоира. Чунки у инсонларни, қаҳрамон халқни ўз қалбига яқин олди, ўз навбатида:

Бахтиёр бўлардим шеърларим билан
Шу дўстлар қалбига киролсам агар.
дея орзу қилди.

Зулфия асарларининг мавзуси кейинги давр туркумларида — тинчлик мавзуси билан бойиди.

Шоира уларда мазкур мазмунни у ёки бу томондан нурлантирди. Бундай бадий парвоз тасодифий эмас эди. Чунки 70-йилларда инсоният бешиги — она сайёрамиз ядро хавфи остида чайқалиб турар, Еримизнинг оловли нуқталарида «коинот гули» — инсонлар ҳалок бўлмоқда эди. Бундай воқеалар юксак талант эгаси Зулфия қаламида Онанинг урушга, инсониятни қирғин қилувчиларга лаънати, кучли ҳайқириғи, осойишта кунлар муқаррарлигига ишонч сифатида шакл-шамойил топди.

Зулфиянинг 1986 йил яратган «Тонг билан Шом аро» туркумидан ўрин олган «Демак, баҳор келди» шеъри аввалида ўлкамизга «қиш тўқиган муз ҳисли қафасни синдириб келган баҳор ва унинг «ғунчалар чокини сўкиши», - деҳқон қулоғига қўнғироқ тутиши» куйланса-да, кейинги мисралардаги Баҳор тимсоли воситасида кенг масшабли умумлашмалар, хулосалар келтириб чиқаради:

Бутун куррамизга битта баҳор у!
Оқилми, қотилми — ҳар жонга таниш...
... Деҳқон уруғ сочсин, ўқ сочмасин тўп,
Қувғин эллар қушдай юртга қайтсин боз!

Шоиранинг урушга қарши шеърларининг гултожига айланган «Ўғлим, сира бўлмайди уруш» шеърининг иккинчи бир ўзига хос поэтик давоми сифатида яратилган бу шеърида Онанинг бутун ер юзи кишиларига мурожаати жаранглайди:

Давлатлар!
Илтижо,
Фармон, Исён бу!
Баҳор йўлларига сепмангиз қонлар.
Баҳор боқий келсин!
Ўқ ортган кемалар денгизга ботсин,
Чирисин!
Тин олсин эллар, элатлар.
Одамлар, ўлдирманг одамни отиб,
Баҳор каби қайтиб келмас одамлар!
Баҳор боқий келсин!

Юксак бадий тафаккур эгаси Зулфия лирикасида фалсафий умумлашмалар орқали хулоса чиқариш, долзарб мавзуга мурожаат қилиш ўзига хос услубда ҳал қилинади. Хусусан, шоиранинг ҳижрон, айрилиқ ноалари билан йўғрилган шеърларида ёрнинг айрилиқ ғамидан тортган руҳий азоблари тасвирланади, чунки ҳали «... мусибатнинг занг илгичида ҳаргиз гулгун қўйлак осияғлиқ...» турибди.

Зулфия шеърятининг фазилатларидан яна бири шундаки, у Ватан ва халқ бирлиги туйғусини ғоят теран ифодалайди. Ҳаётнинг ҳар бир воқелигига аёл-шоира қўзи билан боқади. Келажакка ишонч билан қарайди, унга ошиқади, тараққиёт душмани бўлган ҳамма нарсани: инсонни кемирувчи ва симирувчи шафқатсиз душман тарзида тасвирлайди. Унинг шеърлари инсон қалбида яхшиликка муҳаббат, ёмонликка нафрат, ғазаб оловини алангалатади. Алвон рангли, мустақил, озод юртмизнинг порлоқ тонгини муқаддас сақлашга даъват этади. Инсонлар дўстлиги, биродарлиги ва қалб ҳароратидан яралган камалакни кўприк қилиб, келажак сари жадал одимлашга чорлайди:

Келажак!
Сен эса замин у қуёшдай йўлдасан бетўхтов!
Келаринг-борлиги сир, орзу
Табиат ўзи ҳам,
Дониш ҳам,
Жоҳил ҳам қўёлмас унга ғов!

Демак, Зулфия ўз шеърларида халқ қалби ва руҳини, унинг юксак идеалларини, орзу истакларини ифодадай олганлиги, унга прогрессив инсониятнинг тақдири, бугуни ва келажига доир ғояларни сингдира олганлиги учун шоиранинг номи мамлакатимиздан ташқарида ҳам шуҳрат топди.

Унга «Ўзбекистон халқ шоираси», «Меҳнат Қаҳрамони» унвонлари берилиши, қатор медаллар ва истиқлолга эришган давлатимизнинг «Дўстлик» ордени билан тақдирланиши, Республикамизда «Зулфия мукофоти»нинг таъсис этилиши Ўзбекистон ҳукумати ва Президентининг унга бўлган ҳурмат ва эътиборининг белгисидир.

Бу йил севимли шоирамиз ҳаёт бўлганида 90 ёшга тўларди. У бугунги кунда ҳам ўз асарлари воситасида халқимиз билан бирга; шу халқ ғалабалари билан ҳамоҳандидир:

Ўзинг ташна эдинг, ўзинг сув тутдинг,
Қалбимдаги саҳром, дарёмсан, халқим.
Сени сева-сева мен бойиб кетдим,
Дунём ичра топган дунёмсан, халқим.

АДАБИЁТЛАР

[1]. Зулфия. Камалак (шеърлар), Т.: 1986.; [2]. Зулфия. Йиллар, йиллар (шеърлар) Т.: 1975.

Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси.

Қабул қилинди:
05.02.2004.

УДК: 809.437.5.

ЭГАЛИК КАТЕГОРИЯСИ

Ш.Шаҳобиддинова

Эгалик маъноси ҳозирги ўзбек адабий тилида қуйидаги шакллар орқали ифодаланади:

Бирлик

I шахс -(и)м

II шахс -(и)нг

III шахс -(с)и

Кўплик

-(и)миз

-(и)нгиз

III шахс кўплиги учун таклиф этиладиган -лари кўрсаткичи икки мустақил морфемадан иборат (-лар+и) бўлиб бу ҳолат -лар га хос барча маъноларнинг юзага чиқа олиш имкониятига мутлақ тўсиқ бўла олмаслигига сабаб, маънолар ҳам турфа хил бўлади:

Эгалик категорияси билан боғлиқ равишда тилга олинадиган яна бир ҳолат «бизнинг кўча», «сизнинг уй» каби бирикмаларда рўёбга чиқади. Қаратқич келишиги ва эгалик категорияси орасидаги зич функционал алоқа шу хил бирикмаларни ҳам эгалик категорияси билан боғлашга олиб келган. Хусусан, Ш.Раҳматуллаев шундай ёзади: «Аввало, шуни таъкидлаш керакки, қаратқич келишигининг шакли деб фақат -нинг аффиксини кўрсатиш етарли эмас, қаралмишдаги нисбатловчини ҳам қўшиб айтиш керак. шу жиҳатдан ёндашсак, бундай боғламанинг иккинчи аъзосида нисбатловчининг қатнашмаслиги эллиптик ҳолат» [1]. Ушбу фикрнинг биринчи қисмига қўшилган ҳолда, иккинчи қисмига бироз бошқачароқ муносабат билдираемиз. Бу хил қўлланишларда қаратқич келишигида синтактик имконият (сўзни сўзга боғлаш) сусайиб, семантик имконият (қарашлилиқ) кучайиши кузатилади. Афтидан, бу ўринда келишиги олмошлари (асосан, «сиз» ва «биз») ва қаратқич келишигининг қўшилиши эгалик аффикси томонидан ифодаланувчи семантик жиҳатга ҳожат қолдирмайди. Албатта, кўрсатилган ҳолатлар эгалик кўрсаткичлари қатнаша олиши мумкин бўлган минг-минг нутқий имкониятларнинг энг кичик қисми холос. Бироқ ушбу ҳолатларга қараб ҳам муайян хулосалар чиқариш мумкин:

Эгалик кўрсаткичи доимо сўзни «олдингиси» билан боғлайди, яъни синтактик жиҳатдан «ҳокимлик» ифодалайди, ўзи боғланган сўзнинг бошқаси